

ДУРБЕК САЙФУЛЛАЕВ
тарих фанлари доктори (DSc), ТошДШУ

ШАРҚОНА ДИПЛОМАТИЯ-ДИПЛОМАТИЯНИ ЎРГАНИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

*“Тарих барча даврлар ва халқлар тарихида
дипломатиянинг улкан ўрнини кўрсатиб берадиган
қимматли манбаалар тақдим этади”
Гарольд Никольсон (Англия тарихчиси ва дипломати)*

Дипломатиянинг назарий ва амалий аҳамияти, унга доир классик қарашларнинг ривожланиши борасида ўзининг мулоҳазалари билан шуҳрат қозонган инглиз дипломати Гарольд Никольсон барча даврлар ва халқлар тарихида дипломатиянинг ўрни нечоғли муҳим бўлганини ўзининг кўп сонли асарларида таъкидлаш билан бир қаторда, ушбу соҳага доир бой манбааларни қадимги Миср, қадимги Шарқ ва антик давр тарихидан олиш мумкинлигини келтириб ўтган эди.

Дарҳақиқат, дипломатияни тадқиқ этишнинг анъанавий ёндошувлари ҳақида гапирганда “Шарқ дипломатияси назариялари” ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқ. Дипломатик муносабатлар фақатгина ғарбда мавжуд бўлган, ривожланган, фақатгина ғарбда унинг ривожланиш тенденциялари, амалга ошириш назариялари ва методологияси вужудга келган дейиш хатодир. Шарқ давлатларининг дипломатияси ўзининг алоҳида ноёб хусусиятларига эга эканлигига тадқиқотлар давомида амин бўлиш мумкин. Изоляция шароитида яшаётган (Япония, Хитой), шунингдек боғлиқлик шароитида бўлган (Ҳиндистон ва баъзи бир Африка давлатлари) ташқи таъсирларга қаршилик кўрсатиш учун айёрлик, чаққонлик, тилёғламалик билан жавоб беришга мажбур бўлган узок йиллар давомида шарқона дипломатия кучли рақиб билан иш олиб борган. У гоҳида “жуда эҳтиёткорона ҳаракатларни амалга оширган, баъзан шерикларидан кўпроқ ҳисса олиш учун музокараларни чўзишга мажбур бўлган. Айтиш мумкинки, кўпчилик шарқ давлатлари дипломатиясига “шарқ бозори” катта таъсир кўрсатиб, савдолашмай туриб бирор нарсага эришиб бўлмайдиган деган тушунча ҳукумрон бўлган” . Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, мазкур термин универсал назарий

аҳамиятга эга эмас, балки баъзи бир дипломатлар ва алоҳида давлатлар дипломатиясининг хулқ-атвор усулини ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам уни айнан шарқона дейиш шарт эмас деган хулосани берадилар. Шарқ мамлакатларининг замонавий дипломатияси баъзи бир хусусиятларга эга бўлсада, улар ҳар бир давлатга ҳос бўлиши ва шарқий деб номланиши шарт эмас.

Шарқ дипломатияси ҳақида сўз кетганда албатта Марказий Осиё минтақаси ҳақида тўхталмаслик мумкин эмас. Марказий Осиё дипломатиясини ўрганиш қадимги даврларданок кўплаб тадқиқотчиларнинг эътиборини тортган. Марказий Осиё жаҳон дипломатияси ривожланишининг марказларидан бири бўлган. Ўзбек дипломатиясининг тарихи ҳақидаги кенг маълумотлар ва сақланиб қолган дипломатик ҳужжатлар академик М.М.Ҳайруллаев умумий таҳрири остида чоп қилган “Ўзбек дипломатияси тарихидан” китобида келтирилган. Мазкур китоб Ўзбекистон ва Марказий Осиё ҳудудларида қадимги даврлардан бошлаб дипломатия тарихини ўз ичига олади. Г.Хидаятов томонидан ёзилган “История дипломатии” асарида Марказий Осиё жумладан Амир Темур ва Бобурнинг жаҳон дипломатияси тарихидаги ўрни ўрганилган. Мазкур асарда дипломатияни тадқиқ этишда муаллиф томонидан назарий асос сифатида олинган тарихий методга нисбатан муносабат алоҳида ўрин тутди.

Марказий Осиё минтақаси инсоният цивилизацияси тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатган ва бу борада жаҳон цивилизациясининг энг муҳим таркибий қисмларидан бўлган. Баъзи бир тадқиқотчиларнинг мазкур ҳудудда мавжуд бўлган давлатлар дипломатиясини бошқа позициядан ўрганганлигига эътибор қаратиш лозим бўлади. Бу ерда анъанавий дипломатик хулқ атворнинг баъзи бир ўзига ҳос жиҳатлари тадқиқ қилинган бўлиб, Европа анъаналаридан шуниси билан фарқ қиладики, дипломатия низоли ҳолатлардан тинч йўл билан чиқишга ҳамда ҳар қандай йўл билан ўзаро келишувга эришишга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Маълумки Марказий Осиё давлатлари этник тил, ва ҳаттоки диний қарашлар борасида ҳам турлича бўлган. Кўплаб дипломатик вазифалар династиялар ўртасидаги сулолалараро никоҳлар воситасида ҳал этилган бўлса, баъзилари қарама-қарши томоннинг ташқи ва ички сиёсий манфаатларини манипуляция йўли билан ечилган. Бунга мисол тариқасида Амир Темурнинг империясини келтириш мумкин. Қисқа вақт давомида Темур жуда қудратли

ҳукумдорга, Босфордан Тяншангача ҳамда Уралнинг шимолидан Ҳинд океанигача бўлган турли мамлакатлар ва халқларни бирлаштирган султонга айланди.

Сулолавий никоҳдан, яъни ўз ўғли ва Хоразмнинг кўнғирот ҳукумдори қизи Хонзода ўртасидаги никоҳдан Амир Темур ўрда ичидаги кўплаб сиёсий келишувларга ва мустаҳкамликка эриша (Хоразм ўша вақтларда Олтин Ўрданинг иқтисодий ва сиёсий маркази ҳисобланган) олди. Ўз мақсадларига эришиш баробарида Амир Темур Олтин Ўрдани ҳарбий жангларда яъни 1392 ва 1395 йилларда Тўхтамишхонни мағлуб этиш натижасида Буюк Ипак йўлининг Самарқанд, Эрон ва Византия орқали ўтишини таъминлай олди. Бу ҳолат эса Самарқанднинг барча Ўрта Осиёдаги шаҳарлар ичида гуллаб яшнашига олиб келди.

Усманийлар Империясининг XIV асрлар охирида Европага нисбатан таҳдидан фойдаланган Амир Темур ғарб давлатлари билан муносабатларни ривожлантира олди ва Усманийлар Империясини мағлуб этди. Ўзаро келишув ва эгалланган ерларни сақлаб қолиш мақсадида Амир Темур асрга олинган Боязидни ҳурмат билан қабул қилди ҳамда унинг яшаши учун яхши шароитлар яратиб берди. Аммо мағлубиятга чидолмаган Боязид 1403 йилда Амир Темурнинг лагерида вафот этди. Ўн йилдан сўнг вафот этган Боязиднинг жасади ҳурмат билан унинг ўғилларига топширилди ва Бурса шаҳрига дафн қилинди. Унинг мулки ўғиллари ўртасида бўлиб берилди. Боязиднинг катта ўғли Сулаймон Чалабийга отасининг Болқондаги ерларини бошқариш бўйича, пойтахти Бурса шаҳри ҳисобланган Анатолиянинг шимолий ғарбий қисмини Боязиднинг бошқа ўғли Исо Чалабийга, Анатолиянинг қолган қисмларини бошқариш учун кичик ўғли Мехмет Чалабийга тортиқ қилинди ҳамда бошқариш бўйича ёрлиқлар топширилди. Кичик ўғли Мехмед Чалабий Усманийлар Империясининг бешинчи султонига айланди.

Собиқ рақиблар билан муносабатларни яхшилаш олиш ҳам Амир Темур дипломатиясининг ўзига хос хусусияти ҳисобланган. Ҳомийлик, Сулолавий никоҳ ҳамда Осиё анъаналари ва менталетети учун ҳос бўлган тактикалардан фойдаланиш натижасида Амир Темур урушдан кейин ўзига ва ўз давлатига нисбатан жуда ҳурмат қозона олган. Темур лашкарлари Кичик Осиёни эгаллаганда Кастилия Қироли Генрих III нинг элчилари Пайо де Сотомайор ва Эрнан Санчес Паласуэлосларни қабул қилган. Шунингдек 1404 йилда Испания элчилари орасида бўлган Руи Гонзалес де Клавихо ўз

хотираларини “Буюк Темур тарихи” ва “Темур қароргоҳи Самарқандга сафар асарларида батафсил баён этган. Амир Темурнинг Франция Қироли Карл VI ва Англия қироли Генрих VIлар билан дипломатик ёзишмалари сақланиб қолган. Яна шуниси диққатга сазоварки, Темурнинг вазири ҳузурида катта маҳсус гуруҳ ташкил қилинган бўлиб, у бошқа мамлакатлар билан алоқалар ўрнатиш, ёзишмалар олиб бориш, шу билан бирга кўшни давлатларлаги ахвол ҳақида маълумотлар тўплаш билан шуғулланган. Темур саройида хорижий давлатлар элчиларини қабул қилувчи маҳкама булиб, унга ташриф буюрувчилар кўп бўлган. Уларнинг баъзилари ҳатто буюк соҳибқирон Самарқандда бўлган пайтда унинг қабулига мушарраф бўлганлар. Темурнинг дипломатияси ҳақида маълумот берувчи жуда кўп архив, кўлёма матириаллари мавжуддир. Улар ҳозирги кунда Буюк Британия, Истамбул, Испания, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг музейларида сақланмоқда.

Унинг дипломатиясини бугунги кунда “Шон-шараф ва буюклик қахрамонлик ва ақл билан қўлга киритилади” сифатида талқин қилинмоқда.

Душманлар бир-бирини йўқ қилиб ташлашга интиладиган Европадан фарқли равишда Марказий Осиёда мағлубиятга учраган томонга ҳам яхши муносабатда бўлиш ва ҳурмат қилиш асосида юқори натижаларга эришилган. “Осиё дипломатияси ўз сўзига, шаънига, қасамига ва эътиқодига содиқлик билан тобора ўсиб борган. Осиёда дипломатик характердаги ҳар қандай шартнома ёки келишув Қуръонга қасам ичиш билан мустаҳкамаланган. Шунинг учун ҳам эътиқодли дипломатлар Аллоҳга берган қасамини бузишга журъат қила олмаганлар”.

Марказий Осиё, Ҳиндистон (Бобурийлар давлати), Эрон ва Туркия дипломатик анъаналар борасида кўплаб оригинал хусусиятларга эга бўлиш билан бир қаторда, замонавий дипломатиянинг ҳам кўплаб манбааларига, урф-одатларига эга бўлган. Ушбу даврларнинг дипломатияси уларга бошқа Осиё давлатларига нисбатан узок вақт давомида эркинлик ва суверенитини сақлаб қолиш имкониятини яратган. Бундай турдаги дипломатия узок тарихий илдизларга эга бўлиб, объектив ва субъектив реалликларга таянган. Давлат ҳукумдорларининг мутлақ ҳокимиятига, ерга нисбатан хусусий мулкчиликнинг йўқлигига, чегараларнинг ноаниқлигига ҳамда Ислом динининг юқори обрўйига боғлиқ бўлган. Шунга мувофиқ ҳолда, мазкур дипломатия ўз қоидаларини, унинг

ривожланиши борасидаги ёндашувларни ҳамда иш услубини ишлаб чиққан. Бу жараёнларни тадқиқ қилиш борасида замонавий тадқиқотчи давлатга қийин ташқи сиёсий шароитларда барқарорлик ва юксалиш олиб келган дипломатик фаолиятнинг савдо, ҳарбий-сиёсий, божхона, солиқ ва бошқа жиҳатларини ташкил қилишининг моҳияти борасида кўплаб тушунчаларга эга бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Шарқда жумладан Марказий Осиё худудида турли ҳил тарихий даврларда ривожланган шарқ дипломатиясини ўрганиш, ташқи сиёсий фаолиятнинг услуби ва анъаналарини, жамиятнинг анъаналари ва қадириятлари билан қоришиб кетган дипломатнинг руҳияти ва менталететини, чуқур маънавий илдизларини тушуниш учун ўта муҳим калит вазифасини ўтайди.